


## Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2024 йилнинг учинчи чорагида тафтиш инстанциясида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори

“Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига асосан Олий суднинг Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати томонидан 2024 йилнинг учинчи ярмида тафтиш инстанциясида кўрилган ишлар бўйича суд амалиёти обзори тайёрланди.

2024 йил 9 ойида Олий суд Фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига 2 956 та тафтиш тартибидаги шикоят (протест) келиб тушган бўлиб, шундан 828 таси қайтарилган, 357 тасини иш юритишга қабул қилиш рад этилган, 1 350 тасини судлов ҳайъатига ўтказиш рад этилган. 1 474 та тафтиш тартибидаги шикоят (протест) иш чақиртирилиб ўрганилган.

Тафтиш тартибида жами 130 та фуқаролик ишлари кўриб тамомланган.


Кўриб тамомланган фуқаролик ишларининг 72 таси (55,4 фоизи) бўйича суд қарорлари ўзгаришсиз қолдирилган, 44 таси (34,6 фоизи) бўйича суд қарорлари бекор қилинган, 14 таси (10 фоизи) ўзгартирилган.



Суд қарорлари бекор қилинган **44 та** ишдан **10 таси** янгидан кўриш учун қуйи судларга юборилган, **19 та** иш бўйича янги ҳал қилув қарорлари қабул қилинган, **1 та** ариза кўрмасдан қолдирилган, **14 та** иш бўйича юқори инстанция суди ажрими бекор қилиниб, аввалги суд ҳужжати ўз кучида қолдирилган

Судлов ҳайъатида кўриб тамомланган ишлар ҳудудлар кесимида қуйидагича кўринишга эга:

Тошкент шаҳри 25 та (шундан 9 таси бекор қилинган ва 2 таси ўзгартирилган), Қашқадарё 14 та (5/4), Самарқанд 14 та (3/2), Тошкент вилояти 14 та (3/-), Бухоро 10 та (3/2), Фарғона 8 та (3/-), Хоразм 7 та (3/3), Қорақалпоғистон Республикаси 7 та (4/-), Андижон 7 та (3/1), Сурхондарё 6 та (3/-), Сирдарё 6 та (1/-), Наманган 5 та (2/-), Навоий 4 та (1/-) ва Жиззах 3 тани (1/-) ташкил этади.



Суд амалиёти обзори натижаларига кўра, судлар томонидан айрим ишларни кўришда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси (бундан буён матнда ФПК деб юритилади) ва бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек, Олий суд Пленумининг қарорларида берилган тушунтиришларга риоя қилмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганини кўриш мумкин ва қуйида тафтиш инстанцияси томонидан бекор қилинган ва ўзгартирилган суд қарорларидан айрим мисоллар келтирилади.

**Қуйи инстанция судлари мажбурий прогул вақти учун ундирилиши лозим бўлган иш ҳақи миқдорини нотўғри ҳисоблаганлиги боис, суд ҳужжатлари ўзгартирилган.**

Даъвогар “Р.Д.” жавобгар Давлат мактабгача таълим ташкилотига нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда мажбурий прогул вақти учун иш ҳақи ундириб беришни сўраган.

Андижон вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 21 декабрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган фуқаролик ишлари бўйича Бўстон туманлараро судининг 2023 йил 18 октябрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво қисман қаноатлантирилиб, даъвогар “Р.Д.”нинг фойдасига жавобгар Давлат мактабгача таълим ташкилотидан 10.584.487 сўм иш ҳақи ундирилган.

Андижон вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 5 июндаги ажрими билан юқоридаги суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Аниқланишича, фуқаролик ишлари бўйича Бўстон туманлараро судининг 2022 йил 25 мартдаги ҳал қилув қарорига асосан, “Р.Д.” Давлат мактабгача таълим ташкилотига тарбиячи вазифасига ишга тикланиши, шу ташкилот ҳисобидан даъвогар “Р.Д.”нинг фойдасига мажбурий прогул вақти учун 3.165.725 сўм иш ҳақи ундирилиши белгиланган.

Ижро ҳужжати қарздор томонидан ижро қилинмаганлиги сабабли жиноят ишлари бўйича Бўстон туман судининг 2023 йил 25 июлдаги ҳукми билан давлат мактабгача таълим ташкилоти раҳбари Жиноят кодексининг 232-моддаси билан айбли деб топилган.

Биринчи инстанция суди, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 188 ва 275-моддалари (2023 йил 30 апрелга қадар амалда бўлган таҳрирда) ҳамда ФПКнинг 72-моддаси талабларига асосланиб, даъвогар “Р.Д.” 2022 йилнинг ноябрь ойидан бошлаб, “З.” номли нодавлат мактабгача таълим муассасасига ишга кириб, иш ҳақи олиб келаётганлиги сабабли, 2022 йил март ойидан 2022 йилнинг ноябрь ойига қадар 7 ойлик мажбурий прогул учун 10.584.487 сўм иш ҳақи ундириш ҳақидаги тўхтамга келиб, даъвогарнинг даъво талабини қисман қаноатлантирган.

Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг ушбу хулосаси билан келишган ҳолда, даъвогар “Р.Д.” 2022 йил 3 октябрда “З.” номли нодавлат мактабгача таълим ташкилотига ёрдамчи тарбиячи, 2023 йил 1 январдан тарбиячи вазифасига ишга қабул қилиниб, унинг ўртача ойлик иш ҳақи 1.945.669 сўмни ташкил этганлиги, мазкур ҳолатда даъвогар бошқа ташкилотга ишга кирганидан сўнг мажбурий прогулда бўлган ва иш ҳақи олмаган деб ҳисоблаб бўлмаслиги ҳақида тўхтамга келган.

Андижон вилоят судининг тафтиш инстанцияси ҳам мазкур хулоса билан келишган.

Меҳнат кодекси 273-моддасининг биринчи қисмига (2023 йил 30 апрелга қадар амалда бўлган таҳрирда) ҳамда амалдаги Меҳнат кодекси 569-моддасининг биринчи қисмига асосан ходимни ишга тиклаш, шунингдек меҳнат шартномасини бекор қилиш асослари таърифини ўзгартириш тўғрисида суд чиқарган ҳал қилув қарори ёки ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимни аввалги ишига тиклаш ҳақида меҳнат низоларини кўрувчи орган чиқарган қарор дарҳол ижро этилиши лозим. Иш берувчи томонидан бундай қарорнинг ижроси кечиктирилган тақдирда, қарорни қабул қилган меҳнат низоларини кўрувчи орган ижро кечиктирилган барча вақт учун ходимга ўртача иш ҳақи тўлаш ёки иш ҳақидаги фарқни тўлиқ миқдорда тўлаш ҳақида тегишинча ажрим ёки қарор чиқаради.

Олий суд тафтиш инстанцияси иш берувчи томонидан суд қарори ижро қилинмай, даъвогар ишга тикланмаганлиги, қонунда бундай ҳолатда ходимга ўртача иш ҳақини бутун давр учун тўлиқ миқдорда тўлаш назарда тутилганлиги, даъвогар бошқа ишга жойлашганлиги аҳамиятга эга эмаслигини инобатга олиб, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи тўлиқ ундирилиши лозим деб ҳисоблаган.

Шунга кўра, Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати 2024 йил 28 августдаги ажрими билан “Р.Д.”нинг 2021 йил январь-ноябрь ойларидаги иш ҳақидан келиб чиқиб, 2022 йил 25 март (ишга тиклаш ҳақидаги суд қарори)дан 2023 йил 18 октябрга қадар 18 ой 20 иш куни учун 30.108.620 сўм мажбурий прогул учун иш ҳақи ҳисобланиши, мазкур сумма барча мажбурий тўловлар чегирилган ҳолда иш берувчидан ходимнинг фойдасига ундирилиши лозим деб топиб, суд ҳужжатларини ўзгартирган.

*2-1703-2303/6673-сонли иш*

**Билдирилган талаб бўйича суд томонидан қарор қабул қилинмаганлиги, ФПК 372<sup>2</sup>-моддаси биринчи қисмининг 4-бандига асосан суд ҳужжатини бекор қилиш учун асос бўлади.**

Даъвогар “З.Э.” жавобгарлар “И.И.”, “Ф.И.” ва “З.И.”ларга нисбатан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда меросхўр деб топиш, мерос улушини тақсимлаш ва уйдан фойдаланиш тартибини белгилаб беришни сўраган.

“И.И.” ҳам жавобгарлар “З.Э.”, “Ф.И.” ва “З.И.”ларга нисбатан қарши даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда хусусийлаштириш улушини ажратиш, меросхўр деб топиш, мерос улушини белгилаш, улушни пул шаклида ажратиш, уй-жойга киритиш ва фойдаланиш тартибини белгилаб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Яккасарой туманлараро судининг 2023 йил 5 апрелдаги ажрими билан даъвогар “З.Э.”нинг меросхўр деб топиш, мерос улушини белгилаш ва уйдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги даъво аризаси ФПК 122-моддасининг 9-бандига асосан кўрмасдан қолдирилган.

Шу суднинг 2023 йил 11 апрелдаги ҳал қилув қарори билан “И.И.”нинг жавобгарлар “З.Э.”, “Ф.И.” ва “З.И.”ларга нисбатан хусусийлаштириш улушини ажратиш, меросхўр деб топиш, мерос улушини белгилаш, улушни пул шаклида ажратиш, уй-жойга киритиш ва фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақидаги қарши даъво аризаси қаноатлантирилган.

Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 11 августдаги ажрими билан ҳал қилув қарори қонунга мувофиқлаштирилган ҳолда ўзгаришсиз қолдирилган ва ҳал қилув қарорининг хулоса қисмининг матни янги таҳрирда баён этилган.

Тошкент шаҳар суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 16 февралдаги ажрими билан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

ФПКнинг 44-моддасига кўра, даъвогар билдирилган талабларнинг асосини ёки предметини ўзгартиришга, кўшимча талаблар тақдим этишга, даъво талабларининг миқдорини оширишга ёхуд камайтиришга, улардан тўлиқ ёки қисман воз кечишга ҳақли.

Суд муҳокамаси жараёнида даъвогар “З.Э.” ариза билан мурожаат қилиб, “меросхўр деб топиш, мерос улушини меросхўрлар ўртасида тақсимлаш ва уй-жойдан фойдаланиш тартибини белгилаш ҳақида”ги даъво талабларини кўрмасдан қолдирган ҳолда даъво талабини ўзгартириб, “жавобгарларни хусусийлаштириш иштирокчилари сафидан чиқаришни, “И.М”ни хусусийлаштириш иштирокчиси деб топиш, уни уйга киритишни” сўраган.

Бироқ, биринчи инстанция суди “З.Э.” нинг ушбу даъво талабларини муҳокама қилмасдан, даъво талаби бўйича қарор қабул қилмаган.

Апелляция ва тафтиш инстанциялари билдирилган талаб бўйича суд қарор қабул қилмаганлиги ҳолатига баҳо бермасдан, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Шу боис Олий суднинг Фуқаролик ишлар бўйича судлов ҳайъати шаҳар суди апелляция ва тафтиш инстанциялари қарорларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун апелляция инстанциясига юборган.

*2-1005-2218/24609 -сонли иш*

**Жиноий таъқиб билан боғлиқ бўлмаган бошқа асосларга кўра ишдан бўшатилгани аниқланган ҳолларда реабилитация этилган шахснинг иш ҳақини ундириш хусусидаги талаби фуқаролик судларида кўрилади.**

Даъвогар “Д.Т.” жавобгарлар Навоий шаҳар ҳокимлиги, маҳалла фуқаролар йиғини кенгаши ҳамда вилоят иқтисодиёт ва молия бош бошқармасига нисбатан меҳнат дафтарчаси иш берувчи томонидан берилмаганлиги оқибатида ишсиз юрган даври учун иш ҳақи ундиришни сўраган.

Навоий вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 23 майдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган фуқаролик ишлари бўйича Навбаҳор туманлараро судининг 2024 йил 4 апрелдаги ажримига кўра, даъвогар “Д.Т.” нинг даъво аризаси бўйича иш юритиш тугатилиб, унга мулкий зиённи ундириш юзасидан реабилитация этиш тўғрисида қарор чиқарган жиноят ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилган.

Вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 25 июлдаги ажрими билан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Реабилитация этилган шахсга етказилган зиённи қоплаш ва унинг бошқа ҳуқуқларини тиклаш бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги 18-сонли қарорининг 12-бандига кўра, шахс реабилитация этилган жиноят иши юзасидан жиноий таъқиб билан боғлиқ бўлмаган бошқа асосларга кўра ишдан бўшатилгани аниқланган ҳолларда жиноят ишлари бўйича судларда, реабилитация этилган шахснинг иш ҳақини ундириш хусусидаги талаби қаноатлантирилиши мумкин эмас. Бундай ҳолларда реабилитация этилган шахсга иш ҳақини ундириш тўғрисида фуқаролик судларига даъво киритиши мумкинлиги тушунтирилади.

Аниқланишича, даъвогар “Д.Т.” 2013 йил 20 августда маҳалла фуқаролар йиғини раиси лавозимига бошқа раис сайланганлиги муносабати билан маҳалла раиси лавозимидан ишдан озод этилган.

Биринчи инстанцияси суди эса “Д.Т.” жиноят ишлари бўйича туман судининг 2013 йил 30 сентябрдаги ҳукми билан Жиноят кодекси 167-моддаси иккинчи қисмининг “б, в, г” бандлари ва 209-моддаси иккинчи қисмининг “а” банди билан айбли деб топилиб, унга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ҳамда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлашдан маҳрум қилиш қўшимча жазоси тайинланганлиги, кейинчалик вилоят судининг 2022 йил 23 августдаги ажрими билан суднинг ҳукми бекор қилиниб, ҳаракатларида жиноят таркиби бўлмаганлиги сабабли даъвогар оқланганлигига (ЖПК 83-моддасининг 2-банди) асосланиб, даъво ариза бўйича иш юритишни тугатган ва даъвогарга мулкий зиённи ундириш юзасидан реабилитация этиш тўғрисида қарор чиқарган судга мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтирган.

Апелляция ва тафтиш инстанция судлари ҳам даъвогарнинг шикоятдаги важларига эътибор қаратмасдан, суд ҳужжатини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Олий суднинг Фуқаролик ишлар бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанцияси даъвогарнинг жиноий таъқиб билан боғлиқ ҳолда ишдан бўшатирилганлиги судлар томонидан аниқланмаган бўлсада, даъво талаби иш юритишдан тугатилганлиги, қолаверса даъво аризада иш берувчи томонидан меҳнат дафтарчасини бериш кечиктирилганлиги туфайли ишсиз юрган даври учун иш ҳақи ундириш сўралганлиги сабабли суд ажримларини бекор қилиб, ишни янгидан кўриш учун биринчи инстанция судига юборган.

*2-2101-2403/2180-сонли иш*

**Уй-жойни хусусийлаштиришда иштирок этган шахслар (улушли мулкдорлар) доираси аниқланмаганлиги ва улар ишга жалб қилинмаганлиги сабабли суд ҳужжатлари бекор қилиниб, иш янгидан кўриш учун юборилди.**

Андижон шаҳар прокурори даъвогар “К.О” манфаатида жавобгарлар “С.Л.”га нисбатан меросхўр деб топиш ва мерос улушларини аниқлаш ҳақидаги даъво ариза билан судга мурожаат қилган.

Андижон вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 5 декабрдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган фуқаролик ишлари бўйича Андижон туманлараро судининг 2023 йил 15 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво ариза қисман қаноатлантирилиб, “К.О.” низоли 123-сонли уй-жойнинг 1/4 қисмига меросхўр деб топилган.

Вилоят суди тафтиш инстанциясининг 2024 йил 3 июлдаги ажрими билан суд ҳужжатлари бекор қилинган.

Иш ҳужжатларига кўра, жавобгар “С.Л.” ва “С.И.” 1975 йилда қонуний никоҳдан ўтмасдан турмуш қуриб, 2011 йилга қадар умумий рўзгор юритганлар.

Турмушларидан 1983 йилда “С.Т.” исмли фарзандлари туғилган.

“С.И.” 2011 йилда даъвогар “К.О” билан қонуний никоҳдан ўтган.

“С.И.” 2016 йилда, унинг ўғли “С.Т.” 2021 йилда вафот этган.

Низога сабаб бўлган 123-сонли уй-жой 1996 йил 18 сентябрдаги давлат ордерига асосан “С.И.”нинг номига хусусийлаштириб берилган.

Биринчи инстанция суди томонидан хусусийлаштиришда розилик берган шахслар доираси ҳақида маълумот тақдим этиш ҳақида Андижон шаҳар ҳокимлигига сўров хати юборилган бўлиб, бунга жавобан ҳокимлик томонидан мазкур уй-жой хусусийлаштирилганлиги билан боғлиқ ҳужжатлар мавжуд эмаслиги, 123-сонли уй-жой Кўқон минтақавий Темирйўли Фарғона фуқаролик иншоотлари балансида бўлганлиги маълум қилинган.

ФПКнинг 15-моддасига кўра, суд тақдим этилган материаллар ва тушунтиришлар билан чекланмасдан, ишнинг ҳақиқий ҳолатларини, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳар тарафлама, тўлиқ ва ҳолисона аниқлаш учун қонунга мувофиқ чоралар кўришга ҳақли.

Бироқ, судлар жавобгарнинг турар жой 1996 йилда хусусийлаштирилганда бошқа шахслар ҳам иштирок этганлиги ҳақидаги вазларини текшириш чораларини кўрмасдан, суд ҳужжатини ўзгаришсиз қолдириш ҳақида барвақт хулосага келган.

Олий суд Фуқаролик ишлар бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш инстанцияси республикадаги турли архив идораларига сўровнома юборганида, “Ўзархив” Агентлиги Фарғона вилоят давлат архиви томонидан сўровномага жавобан ҳужжатлар тақдим этилган.

Мазкур ҳужжатларда 123-сонли уй-жойни хусусийлаштириб беришни сўраб “С.И.” ариза ёзганлиги, шунингдек, уйда яшовчи “С.Л.”, “С.Т.”, “С.Ф.” ва “И.С.”лар хусусийлаштиришга розилик берганлиги қайд этилган бўлиб, судлар томонидан улушли мулкдорлар доираси аниқланмаганлиги ва улар ишга жалб қилинмаганлиги сабабли суд ҳужжатлари ФПК 419<sup>28</sup>-моддасининг 4-бандига асосан бекор қилиниб, ишни янгидан кўриш учун апелляция инстанция судига юборилган.

*2-1701-2205/26708-сонли иш*

**Мулкдор ўзига тегишли бўлган мол-мулкка ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади.**

Даъвогар “Т.Б.” фуқаролик ишлари бўйича Хўжаобод туманлараро судига киритган даъво аризасида жавобгарлар “М.Х.”, “Х.Х.” ва “Д.Х.”ни ўзига тегишли уй-жойдан мажбурий тартибда кўчиришни сўраган.

Андижон вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2023 йил 20 февралдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган фуқаролик ишлари бўйича Хўжаобод туманлараро судининг 2023 йил 25 декабрдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъво талаби рад қилинган.

Андижон вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 8 апрелдаги ажрими билан суд қарори қисман бекор қилиниб, жавобгар “Х.Х.”ни уйдан кўчириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Суд ҳужжатларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилган.

Суд бундай хулосага келишда жавобгар “Д.Х.” дастлабки мулкдор “У.А”нинг розилиги билан уйга киритилганлиги ва яшаб келаётганлигига, унда турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи шаклланган ҳисобланишига ва Уй-жой кодексининг 32-моддаси ҳамда Фуқаролик кодексининг 184-моддасига асосланган.

Олий суд судлов ҳайъати “Д.Х.”ни кўчиришни рад қилиш ҳақидаги қуйи инстанция судларининг хулосалари билан қуйидагиларга асосан келишмаган.



Хусусан, даъвогар “Т.Б.” 2023 йил 19 апрелдаги нотариал тартибда расмийлаштирилган олди-сотди шартномасига асосан низоли уй-жойни “У.А.”дан сотиб олган бўлиб, жавобгар “Д.Х.” Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармасидан олинган маълумотга кўра, 2022 йил 27 январда низодаги хонадон рўйхатидан ўчирилган.

Қолаверса, Уй-жой кодексининг 32-моддаси талабига кўра, жавобгар “Д.Х.” уй мулкдори “Т.Б.”нинг оила аъзоси ҳисобланмайди ва мулкдор билан умумий хўжалик юритиб, доимий яшамаган, уй рўйхатида ҳам турмайди, янги мулкдор билан ўрталарида турар жойдан фойдаланиш юзасидан келишув ҳам мавжуд эмас.

Мазкур ҳолатлар ва мулкдор ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилишга ҳақли эканлигига(ФК 164-модда) асосланиб, Олий суд судлов ҳайъати 2024 йил 29 июлдаги ажрими билан суд ҳужжатларини қисман бекор қилиб, жавобгар “Д.Х.”ни ҳам уйдан кўчириш ҳақида янги қарор қабул қилган.

*2-1706-2303/7067-сонли иш*

**Бола билан ота-онанинг кўришиш тартибини белгилашда боланинг жисмоний ва рухий соғлиғи, унинг ахлоқий камолотига таъсир қиладиган ҳолатлар, боланинг ёши ва соғлиғининг ҳолати, боланинг ота (она)га боғлиқлиги ва бошқа ҳолатлар инобатга олиниши, кўришиш тартиби боланинг манфаатига жавоб бериши лозим.**

Даъвогар “А.Х.” жавобгар “А.А.”га нисбатан киритган даъво аризасида 2020 йилда туғилган ўғли “Ф.М” билан кўришиб туриш вақтини белгилаб беришни сўраган.

Фуқаролик ишлари бўйича Пастдарғом туман судининг 2024 йил 6 июндаги ҳал қилув қарори билан даъво ариза қисман қаноатлантирилиб, даъвогар “А.Х.”нинг 2020 йилда туғилган ўғли “Ф.М” билан ҳар ойнинг биринчи ва учинчи якшанба кунлари соат 10<sup>00</sup> дан 13<sup>00</sup> гача онаси “А.А.” иштирокида кўришиш тартиби белгиланган.

Самарқанд вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 4 июлдаги ажрими билан суд қарори ўзгартирилиб, даъвогар “А.Х.”нинг вояга етмаган ўғли “Ф.М”ни уйига олиб кетиш ва ўз вақтида онаси “А.А.”га қайтариш шарти билан ҳар ойнинг биринчи шанба куни соат 10<sup>00</sup> дан кейинги кун якшанба куни соат 16<sup>00</sup> га қадар ҳамда ҳар ойнинг учинчи шанба куни соат 16<sup>00</sup> дан кейинги кун якшанба куни соат 10<sup>00</sup> га қадар кўришиш тартиби белгиланган.

Самарқанд вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 9 августдаги ажрими билан апелляция инстанциясининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилган.

Апелляция инстанцияси тарафлар яқин вақтдан, яъни 2023 йил апрель ойидан бирга яшамаётганликлари, бу ёшда болага ота тарбияси ҳам зарурлигини таъкидлаб, учрашув вақтини бир ойда икки маротаба отасининг уйида ётиб қолиш шарти билан белгилаган ва вилоят суди тафтиш инстанцияси ҳам бу хулоса билан келишган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни ҳал қилишда судлар томонидан қонунларни қўллаш амалиёти тўғрисида”ги 23-сонли қарорининг 7-бандига кўра, суд мазкур туркумдаги ишларни судда кўришга тайёрлаш, низони ҳал қилишда аҳамиятга эга ва тарафлар томонидан исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаши керак, бунда асосий эътиборни айнан боланинг ота-онаси ёхуд бошқа тарбиялайдиган шахсларнинг шахсий хусусиятларига, шунингдек бола билан шу шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларга қаратиш керак. Суд мазкур масала юзасидан низони мазмунан кўраётганда ота-онанинг ҳуқуқлари тенглиги тамойили ва бола манфаатларида турли хил ҳолатларни инобатга олади.

Бола билан ота-онанинг кўришиш тартибини белгилашда боланинг жисмоний ва руҳий соғлиғи, унинг ахлоқий камолотига таъсир қиладиган ҳолатлар, боланинг ёши ва соғлиғининг ҳолати, боланинг ота (она)га боғлиқлиги ва бошқа ҳолатлар инобатга олинади. Белгиланган кўришиш тартиби боланинг манфаатига жавоб бериши ва ижро этиш имконияти мавжуд бўлиши лозим.

Олий суд тафтиш инстанцияси 2024 йил 27 сентябрдаги ажрими билан суд ҳужжатларини қисман ўзгартириб, Оила кодексининг 76-моддасига кўра, боладан алоҳида яшаб келаётган ота ёки она болани тарбиялашда, таълим олишида ва у билан учрашиб туришда тенг ҳуқуққа эга бўлсада, аниқланган ҳолатларни, яъни суднинг ҳал қилув қарори қабул қилинган вақтда бола 3,5 ёш бўлганлигини, бу ёшда у доимий ғамхўрликка муҳтожлиги ва айнан кичик ёшдаги бола кўпроқ онасига боғланган бўлишини, бу ёшдаги болани ётиб қолиш шарти билан отаси билан учрашув вақтини белгилаш боланинг манфаатига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини эътиборга олиб, даъвогарнинг фарзанди билан учрашув вақтини унинг иш режимидан келиб чиқиб, ҳар ҳафта 3 соатдан, яъни ойнинг биринчи ва учинчи шанба кунлари соат 14<sup>00</sup> дан 17<sup>00</sup> га қадар, иккинчи ва тўртинчи якшанба кунлари соат 10<sup>00</sup> дан 13<sup>00</sup> га қадар онаси “А.А.”нинг иштирокида вазият ўзгаргунга қадар белгилашни лозим топган.

**Судлар ходим ўз меҳнат мажбуриятларини мунтазам равишда бузган деб топиш учун иш берувчининг буйруғига асосан интизомий жазога тортилган ва мазкур буйруқ билан таништирилиши лозимлигига эътибор қаратмаган.**

Даъвогар “М.А.” судга жавобгар Вилоят Ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармасига нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилиб, унда Бош бошқарманинг 2023 йил 16 ноябрдаги 142-sh/t-сонли буйруғини ғайриқонуний деб топиб, ишга тиклаш ва иш ҳақи ҳамда маънавий зарарни ундиришни сўраган.

Қашқадарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 7 майдаги ажрими билан ўзгаришсиз қолдирилган Шаҳрисабз туманлараро судининг 2024 йил 16 февралдаги ҳал қилув қарорига кўра, даъвогарнинг даъво талаби рад этилган.

Қашқадарё вилоят суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъати тафтиш инстанциясининг 2024 йил 7 июндаги ажрими билан суд ҳужжатлари ўзгаришсиз қолдирилган.

Иш берувчининг 2023 йил 16 ноябрдаги 142-sh/t -сонли буйруғи билан даъвогар “М.А.” билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган.

Буйруққа, Бошқарманинг 2023 йил 15 ноябрдаги йиғилиш баёни, туман прокуратурасининг 2023 йил 30 октябрдаги тақдимномаси ва Меҳнат кодексининг 161-моддаси асос қилинган.

Биринчи инстанция суди даъво аризани рад қилишда, даъвогар меҳнат мажбуриятларини мунтазам равишда бузиб келганлиги, такроран интизомий ножўя ҳаракат содир этганлиги, мактабда ишчанлик муҳити бузилгани, ишчилар ўртасида тарафкашлик ва гуруҳбозлик авж олганлигига асосланган бўлиб, суднинг ушбу хулосаси билан апелляция ва тафтиш инстанциялари ҳам келишган.

Меҳнат кодекси 161-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига кўра, ходим ўз меҳнат мажбуриятларини мунтазам равишда бузганлиги меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга асос бўлади.

Ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини мунтазам равишда бузганлиги аввал меҳнат мажбуриятларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунчиликда ва меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил ичида ходим томонидан такроран интизомий ножўя ҳаракат содир этилганлигида ўз ифодасини топади.

Апелляция ва тафтиш инстанциялари даъвогар “М.А.” билан меҳнат шартномаси Меҳнат кодекси 161-моддаси иккинчи қисмининг 4-бандига кўра бекор қилинган деб баҳолаган бўлсада, лекин буйруқ матнида Меҳнат кодекси 161-моддасининг айнан қайси қисми ва банди билан меҳнат шартномаси бекор қилинганлиги кўрсатилмаган.

Суд мажлисларида жавобгар вакиллари меҳнат шартномаси меҳнат интизоми мунтазам бузилганлиги асоси билан бекор қилинганлиги ҳақида тушунтириш беришган.

Меҳнат кодексининг 313-моддасига асосан ходимга интизомий жазо чорасини қўллаш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилиши, буйруқ қабул қилинган кундан эътиборан уч иш куни ичида, ходим унга жазонинг сабаблари кўрсатилган ҳолда имзо қўйдириб эълон қилиниши, ўзига нисбатан интизомий жазо чорасини қўллаш ҳақидаги буйруқ билан таништирилмаган ходим интизомий жазоси бўлмаган деб ҳисобланиши белгиланган.

Вилоят Ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармасининг 2023 йил 11 сентябрдаги 122-ШТ-сонли буйруғига кўра, даъвогар “М.А.”га “ҳайфсан” интизомий жазоси қўлланилган. Бироқ, даъвогар “М.А.” интизомий жазо қўллаш тўғрисидаги буйруқ билан таништирилмаган.

Судлар томонидан ходимнинг ўз меҳнат мажбуриятларини мунтазам равишда бузганлиги сифатида баҳоланган жиноят ишлари бўйича Китоб туман судининг маъмурий қарорлари интизомий жазо ҳисобланмайди.

Меҳнат кодексининг 312-моддасига кўра, ҳайфсан, ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан кўп бўлмаган миқдорда жарима ҳамда меҳнат шартномасини бекор қилиш интизомий жазо чоралари ҳисобланади.

Шу боис, даъвогар “М.А.” ўз меҳнат мажбуриятларини мунтазам равишда бузмаган ҳисобланади.

Шу сабабли, судлов ҳайъати даъвогарни ўз меҳнат мажбуриятларини мунтазам равишда бузмаган деб ҳисоблаб, 2024 йил 15 августдаги ажрими билан суд ҳужжатларини бекор қилиб, даъвогар билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинишини ғайриқонуний деб топишни ва аввалги ишига тиклаш, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи, маънавий зарар ундириш ҳақидаги талабларини қаноатлантириш ҳақида янги ҳал қилув қарори қабул қилишни лозим топган.

*2-1802-2302/8511-сонли иш*

**Фуқаролик ишлари бўйича  
судлов ҳайъати**